



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Тураева Дилдора Искандаровна

Навоий вилояти ИИБ ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20808843>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 19-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 21-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 23-iyun 2026 yil

KEYWORDS

жамоат хавфсизлиги,
ахборот таъминоти, ички
ишлар органлари, Миллий
гвардия, рақамлаштириш,
ахборот хавфсизлиги, шахсий
маълумотлар, идоралараро
интеграция.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини ахборот билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Мавзу доирасида миллий қонунчилик нормалари, хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ўрганилиб, амалиётдаги мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот натижасида идоралараро ахборот алмашинувини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

(Мавзунинг долзарблиги)

Сўнгги йилларда жаҳон миқёсида ахборот технологияларидан фойдаланиш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ахборотлаштириш жараёнлари давлат бошқарувининг барча бўғинларига, хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига ҳам чуқур кириб борди. Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда замонавий ахборот технологиялари кенг миқёсда қўлланилиб, мос равишда қонунчиликда тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилмоқда.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш – ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланишини кафолатлайдиган устувор вазифаларидан биридир. Бу борада ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия тузилмалари муҳим роль ўйнайди, чунки улар тўғридан-тўғри жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Ҳозирги ривожланаётган жамиятда ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш бевосита мазкур тузилмаларнинг тезкор, аниқ ва ишончли ахборот билан таъминланишига боғлиқдир. Шу сабабли, ахборот алмашинувининг ҳуқуқий механизмларини ривожлантириш ва соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

2. Мавзуга оид адабиётлар ва олимларнинг қарашлари таҳлили

Жамоат хавфсизлигини ахборот билан таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини рақамлаштириш масалалари кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан америкалик тадқиқотчи Эндрю Гатри Фергюсон ўзининг «Big Data Policing» назариясида ахборотнинг полиция фаолиятидаги ўрнини таҳлил қилиб, замонавий полиция фаолияти эндиликда фақатгина куч ишлатишга эмас, балки маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва улар асосида жиноятларни олдиндан башорат қилишга таянишини таъкидлайди. Унинг фикрича, бу жараёнда энг муҳим масала — технологияларнинг ривожланиши қонунчилик базасидан ўзиб кетмаслигини таъминлашдир. [1]

Германиялик олимлар Симон Эгберт ва Маттиас Лизе эса полициянинг ахборот тизимларини «ижтимоий-техник тизимлар» сифатида баҳолаб, маълумотлар базаларининг ўзаро интеграцияси ахборот хавфсизлиги ва инсоннинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ўртасидаги мувозанатни талаб қилишини илмий асослаб беришган. [2]

Маҳаллий ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам ўзларининг илмий изланишларида ички ишлар органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг процессуал ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталиб, электрон ҳужжат алмашинуви ва тезкор маълумотлар базаларининг ягона тизимини яратиш зарурлигини эътироф этишган. Жумладан, профессор И. Исмаилов ушбу йўналишда тизим самарадорлигига эришиш учун қуйидаги таклифларни илгари сурган:

Ахборот-таҳлил иши — профилактиканинг асоси - ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бевосита тўғри ва тезкор шакллантирилган ахборот базаларига таянади. Худудлардаги криминоген вазиятни электрон таҳлил қилиш орқали жиноятчилик ўчоқларини аниқлаш мумкин.

Идоралараро ҳамкорлик зарурати - жамоат хавфсизлигини таъминлаш фақат битта идоранинг иши эмас. Шу боис, профилактика инспекторлари, патрул-пост хизмати ва бошқа давлат органлари (соғлиқни сақлаш, маҳалла) ўртасида тезкор ахборот алмашинувини таъминловчи интеграциялашган электрон платформаларни яратиш ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан зарур.

Қарор қабул қилиш тезлиги - ахборот технологияларини жорий этиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш вақти кескин қисқаради, бу эса кундалик хизмат фаолиятининг самарадорлигини оширади. [3]

Ш.Т. Икрамов эса қуйидаги таклифларни илгари сурган:

Процессуал шаффофлик - маъмурий фаолиятда рақамли технологияларнинг (хусусан, планшетлар орқали электрон баённома тузиш) қўлланилиши нафақат тезкорликни таъминлайди, балки инсон омилини ва коррупцион хавфларни камайтириб, процессуал шаффофликни оширади.

Ягона маълумотлар базасини яратиш - ҳозирги кундаги тарқоқ ахборот тизимларидан воз кечиб, тезкор маълумотларнинг ягона марказлашган электрон базасини шакллантириш ва ундан патрул нарядларининг реал вақтда фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солиш зарур.

Электрон ҳужжат алмашинуви - қоғозбозликдан воз кечиб, инновацион ёндашувлар асосида электрон ҳужжат алмашинувиға ўтиш ички ишлар органларининг сервис йўналишидаги хизматлари сифатини оширади. [3]

Юқорида берилганларни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ҳозирги кунда ички ишлар органларида қўлланилаётган электрон маълумотлар базаларини интеграция қилиш ҳамда рақамлаштириш ва уларнинг қатъий ҳуқуқий регламентларини шакллантиришга қаратилган бўлса, хорижий олимлар жиноятларнинг содир этилиш хронометражи бўйича таҳлил қилиб, жиноят ўчоқларини олдиндан башорат қилиш таклифини илгари сурмоқда.

3. Ҳуқуқий асослар ва амалиёт таҳлили натижалари

Бош Қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши, ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилиши белгилаб берилган. [4]

Ушбу тамойил асосида ахборотни олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Жумладан, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги 400-І сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тартибга солиниб, ушбу Қонун асосида ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади ҳамда ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгилаб берилди. [5]

Шунингдек, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2002 йил 12 декабрда «Ахборот эркинлиги принциплари тўғрисида»ги 439-ІІ сонли Қонун қабул қилиниб, унда ахборот олиш тартиби ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати белгилаб берилган. Ушбу Қонунга асосан давлат ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилади. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди. [6] Ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали оғзаки, ёзма шаклдаги, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклдаги сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. [7]

Ҳар қандай ахборот, агар у билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлиш ахборот мулкдори, эгаси, ахборотдан фойдаланувчи ва бошқа шахсга зарар етказиши мумкин бўлса, муҳофаза этилмоғи керак. Ахборотни муҳофаза этиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

ахборотнинг махфийлигини таъминлаш, тарқалиши, ўғирланиши, йўқотилишининг олдини олиш;

ахборотнинг бузиб талқин этилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш. [8]

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради. Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. [9]

Шунингдек, ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2003 йил 11 декабрда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II сонли Қонун қабул қилинди. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган. Ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

давлат органларининг ахборот тизимлари, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимлари, шунингдек юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш;

халқаро ахборот тармоқлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан эркин фойдаланиш учун шароит яратиш;

давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг бир-бирига мослигини ва ўзаро алоқада ишлашини таъминлаш;

ахборот технологияларининг замонавий воситалари ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;

кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш. [10]

Давлат органлари ахборот тизимларининг, тармоқ ва ҳудудий ахборот тизимларининг, юридик ҳамда жисмоний шахслар ахборот тизимларининг давлат сирлари ёки махфий ахборотни ўз ичига олган ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари, шунингдек мазкур тизимларни муҳофаза қилиш воситалари мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. [11]

Шунингдек, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2019 йил 7 сентябрда «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги 443-сонли Қонун қабул қилинган бўлиб, унда ҳуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ва ундан фойдаланишни таъминловчи органлар ва ташкилотларнинг ваколатлари

белгиланган. Ушбу Қонунга мувофиқ вазирликлар ва идоралар, шу жумладан Ички ишлар вазирлиги, ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий ахборотни белгиланган тартибда тарқатади, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юбориш, эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш орқали тарқатади; ўзи қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини ҳамда ахборот-таҳлилий материалларни Адлия вазирлигига йўллайди; жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига кўра ўз фаолияти соҳасига доир ҳуқуқий ахборотни тақдим этади. [12]

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига белгиланган тартибда мажбурий тарзда жойлаштирилиши шарт. Давлат органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилган ҳуқуқий ахборот ишончли бўлиши ва у оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан бир хил кучга эга бўлиши лозим. [13]

Ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардия тузилмаларида ҳам хизмат фаолиятида ахборотдан фойдаланиш ва уни хизмат жараёнида тадбиқ этиш тегишли тартибда белгилаб берилган. Жумладан, 2016 йил 16 сентябрда «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сонли Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга мувофиқ ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни амалга оширади. [14]

Ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланади. Ички ишлар органлари жисмоний ва юридик шахсларга ушбу органларнинг ваколатларига тааллуқли электрон давлат хизматлари кўрсатилишини, шунингдек ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг электрон шакллари қўлланилишини қонунчиликка мувофиқ таъминлайди. Ички ишлар органларида давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилиш, шу жумладан криптографик воситаларни қўллаган ҳолда техник жиҳатдан муҳофаза қилиш таъминланади. [15]

Шунингдек, 2020 йил 18 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги 647-сонли Қонун қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир. [16] Миллий гвардиянинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний талаби бўйича бепул тақдим этилади. [17]

Миллий гвардия ходими зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ўз ваколатлари доирасида давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотдан фойдаланиш, ахборотни криптографик ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ва махфий ахборот хавфсизлиги соҳасида фаолият ҳамда назоратни амалга ошириш, шунингдек ахборотлаштириш объектларининг ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги юзасидан аттестация ўтказиш ҳуқуқларига эга. [18]

4. Тизимдаги мавжуд камчиликлар

Гарчи ушбу йўналишда қонунчилик базаси шаклланган бўлса-да, ўрганишлар давомида амалиётда жамоат хавфсизлигини ахборот билан таъминлашда қуйидаги тизимли камчиликлар кўзга ташланмоқда:

Идоралараро интеграциянинг сустлиги. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг асосий йўналишларидан бири сифатида давлат органларининг ахборот тизимлари асосида Ўзбекистон Республикасининг ягона ахборот маконини яратиш белгиланган бўлишига қарамасдан, ички ишлар органлари, Миллий гвардия, суд тизими ва соғлиқни сақлаш органларининг электрон маълумотлар базалари (масалан, руҳий касаллар ёки гиёҳвандлик бўйича ҳисобда турувчилар базаси) тўлиқ бирлаштирилмаган. Ахборот алмашинуви ҳамон қисман қоғоз шаклида ёки узоқ давом этадиган сўровлар асосида амалга оширилмоқда. Бу эса хизмат жараёнида, жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятларни иссиқ изида фош этишда керак бўладиган маълумотларни олишда қўшимча вақт талаб этиб, тизимнинг тезкорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шахсий маълумотларни қайта ишлашда ҳуқуқий бўшлиқлар. Конституциянинг 33-моддасига кўра ахборотни излаш ва олиш ҳуқуқини чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш каби мақсадлардагина йўл қўйилади; «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари махфий ахборот тоифасига киради; «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун талабига кўра махфий ахборотни ишловдан ўтказиш учун мўлжалланган техника воситалари (шу жумладан планшет ва серверлар) мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Шунга қарамасдан, ходимлар томонидан хизмат планшетлари («Е-патрул» ва бошқалар) орқали фуқароларнинг шахсий маълумотларига киришнинг доираси ҳамда уларни сақлаш бўйича аниқ, қатъий маъмурий регламентлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Бу эса инсон омили туфайли маълумотларнинг сизиб чиқиш хавфини юзага келтиради.

Аналитик (прогноз) марказларининг йўқлиги. Мавжуд ахборот тизимлари асосан фактларни қайд этишга (маъмурий баённома тузиш, қидирувдагиларни текшириш) мослашган. Тўпланган катта ҳажмдаги маълумотлар асосида жиноятчилик ўчоқларини олдиндан таҳлил қилувчи интеллектуал дастурий мажмуаларни амалиётга жорий этиш орқали тизим самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

5. Такмиллаштириш юзасидан илмий таклифлар

Ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг маълумотлар базасини бирлаштирувчи «Ягона жамоат хавфсизлиги ахборот платформаси»ни яратиш ва унинг ҳуқуқий мақомини ҳукумат қарори билан мустаҳкамлаш. Бунда маълумотларга кириш даражаси ходимнинг ваколатига қараб қатъий чегараланиши (кириш тоифалари) белгиланиши лозим.

Иккинчидан, соҳавий қонун ҳужжатларига «сунъий интеллект ва прогнозлаштирувчи дастурлардан фойдаланиш» тушунчасини киритиш ҳамда ахборот

тизимлари орқали йиғилган маълумотлар асосида патрул йўналишларини автоматик тақсимлаш тизимини қонунийлаштириш.

Учинчидан, «Ички ишлар органлари ва Миллий гвардия фаолиятида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида»ги ягона идоравий низомни ишлаб чиқиш. Унда ходим томонидан ахборотнинг ноқонуний кўрилиши ёки тарқатилиши устидан рақамли назорат (лог-файлларни автоматик текшириш) механизмини жорий этиш.

6. Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ҳамда Миллий гвардиянинг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятини самарали амалга оширишда ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, бу соҳадаги ҳуқуқий асосларни тубдан кўриб чиқиш, замон талабларига мос равишда янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ва мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш зарур.

Ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда идоралараро ахборот алмашинувининг аниқ тартибини белгилаш — барчаси ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга ва жамоат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Охир-оқибат, хизмат фаолияти ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, ахборот инфратузилмасини ривожлантириш ва уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворини яратиш орқали тинч ва хавфсиз жамият барпо этишдек олий мақсадларга эришиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 33-модда // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон
2. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги 439-II-сонли Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сонли Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.09.2024 й., 03/24/959/0698-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 сентябрдаги «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги 443-сонли Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.09.2024 й., 03/24/957/0689-сон
6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 407-сонли Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги 647-сонли Қонуни // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони // Электрон манба: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.04.2025 й., 06/25/65/0331-сон
9. Ferguson A.G. The Rise of Big Data Policing: Surveillance, Race, and the Future of Law Enforcement. – New York: NYU Press, 2017. – 272 p.
10. Egbert S., Leese M. Criminal Futures: Predictive Policing and Everyday Police Work. – London: Routledge, 2021. – 226 p.
11. Исмаилов И., Икрамов Ш.Т., ва бошқ. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш фаолияти: Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 412 б.

